

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ**

**МАШАРИПОВА ЮЛДУЗ КАДАМБАЕВНА**

**СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯГА ЁНДАШУВ**

**14.00.05–Ички касалликлар  
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**УРГАНЧ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата доктора философии (PhD) диссертации**

**Contents of the abstract of doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Машарипова Юлдуз Кадамбаевна**

Сурункали панкреатит реабилитациясини оптималлаштириш  
ва иммунокоррекцияга ёндашув.....3

**Машарипова Юлдуз Кадамбаевна**

Оптимизация реабилитации больных хроническим  
панкреатитом и подходы к иммунокоррекции.....23

**Masharipova Yulduz Kadambayevna**

Optimization of rehabilitation of patients with chronic pancreatitis  
and approachesto imunocorrection.....43

**Эълон қилинганишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
Listofpublished works.....47

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ УРГАНЧ ФИЛИАЛИ**

**МАШАРИПОВА ЮЛДУЗ КАДАМБАЕВНА**

**СУРУНКАЛИ ПАНКРЕАТИТ РЕАБИЛИТАЦИЯСИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ВА ИММУНОКОРРЕКЦИЯГА ЁНДАШУВ**

**14.00.05–Ички касалликлар  
14.00.36-Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**УРГАНЧ – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Tib711 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.urgfilitma.uz](http://www.urgfilitma.uz)) ҳамда «ZiyoNet» ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбарлар:**

**Абдуллаев Равшанбек Бабажонович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шамсутдинова Максуда Илясовна,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар**

**Камалов Зайнитдин Сайфутдинович,**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Жабборов Озимбай Отаханович,**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарканд давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси Ургенч филиали ҳузуридаги PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик Илмий кенгашнинг 2021 йил «21» февраль соат 14.00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Tel/факс +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz))

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Хоразм вилояти, Урганч ш., Ал-Хоразмий кўчаси, 28. Tel/факс +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz))

Диссертация автореферати 2021 йил «10» XII кун тарқатилди.  
(2021 йил «10» XII даги 5 рақамли реестр баённомаси)



**Рузмбаев Рашид Юсупович,**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори

**Джуманиязова Зулхумор Фархадовна,**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Куризов Бахтиер Нунизович,**  
илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бутун дунёда замонавий тиббиёт амалиётидаги энг муҳим муаммолардан бири ошқозон-ичак тизими касалликлари сонининг ўсиб бориш ва улар сонининг ҳар ўн йилда икки баробар ортиши кузатилмоқда. БЖССТнинг маълумотларига кўра, сурункали панкреатит (СП) ошқозон-ичак тизими касалликлари орасида энг кўп учрайдиган ва оғир кечимли патологиядир. СП билан оғриган беморларнинг ўртача ёши 50 дан 38 гача ёшарган. Панкреатитнинг сурункали шакли билан ногирон бўлиб қолган кишилар 11%ни ташкил қилади. Бутун дунёда ошқозон ости беши касалликлари сонининг оғишмай ўсиши кузатилмоқда<sup>1</sup>. Шу сабабли ҳаётнинг турли даврларида ошқозон ости безининг тузилиши ва клиник аҳамиятини баҳолаш, ривожланиш хавфини объектив баргараф қилиш йўли билан даволаш тактикасини такомиллаштириш энг муҳим муаммоли масалаларидан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, бугунги кунда меъда ости бешида яллиғланиш ривожланишида цитокинларнинг иммуногенетик механизм-ларини ўрганиш, беморларнинг клиник, цитокин ва иммуногенетик ҳолатини баҳолашда интерлейкинларнинг турли гуруҳлари даражалари ўртасидаги батафсил ўзаро таъсирлари ҳақидаги маълумотлар етарли эмас.

Панкреатитнинг патогенезини тушунишда касалликнинг ривожланишига бевосита олиб келадиган ёки унинг ривожланиш хавфини туғдирадиган генларни аниқлаш муҳимдир. Панкреатит патогенезида меъда ости бешидаги деструктивли ва яллиғланиш ўзгаришларини таъминловчи цитокин каскади генларининг яллиғланиши, дисфункциясининг турли муҳим медиаторларини ифодалаш муҳим аҳамиятга эга. СП касаллигини даволашда ишлатиладиган дориларнинг хилма-хиллиги тиббий амалиёт учун қийин вазифа туғдиради, масалан, ҳар бир бемор учун уларнинг энг самарали комбинациясини танлаш.

Бугунги кунда аҳоли саломатлигини сақлаш, ошқозон-ичак тизими патологияси, хусусан ўткир ва сурункали панкреатитларнинг тобора ўсиб боришини олдини олиш, беморларга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича ижобий натижаларга эришилди. Амалга оширилган тадбирлар оқибатида меъда ости беши касалликлари 5%гача, ўлим ҳолати эса 1,3 мартага камайтирилди. Аҳолига юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича салмоқли ютуқларга эришилди. Аҳоли саломатлигини сақлаш, ошқозон-ичак тизими патологияси, хусусан ўткир ва сурункали панкреатитларнинг тобора ўсиб боришини олдини олиш масаласида маълум бир натижаларга эришилди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳоли саломатлигини яхшилаш ва мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чоратадбирларни татбиқ этиш, касалланиш даражасини камайтириш, овқатланиш билан боғлиқ бўлган касалликларнинг олдини олиш ва ҳаёт

<sup>1</sup>WHO estimates of the global burden of foodborne diseases: foodborne disease burden epidemiology reference group 2007-2015. [https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/199350/9789241565165\\_eng.pdf](https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/199350/9789241565165_eng.pdf)

давомийлигини ошириш...» вазифалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>2</sup> ПФ-5590-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»,<sup>3</sup> ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммони ўрганилганлик даражаси.** СПни эрта ташҳислаш, ўз вақтида амалга ошириладиган тадбирлар ёрдамида унинг ривожланиш суратларини пасайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшиланишини таъминловчи панкреатологиянинг шиддат билан ривожланиши СПнинг этиологияси, патогенези механизмлари, янги ташҳислаш ва даволаш усуллари ўрганишга бағишланган кўпдан-кўп илмий нашрларнинг пайдо бўлиши билан бирга кечмоқда. Ҳозирги вақтда СП фармакотерапиясида эришилган сезиларли ютуқлар, даволашнинг янги схемаларини татбиқ қилиниши ва мавжуд дори воситаларига кўрсатмаларнинг кенгайишига қарамай, ошқозон ости беши касалликларини даволаш муаммолари панкреатологиянинг энг мураккаб бўлими бўлиб қолмоқда (Маев И. В., 2018). СП бирламчи ташҳислангандан сўнг ўлим даражаси биринчи 10 йил давомида 20% гача ва 20 йилдан сўнг 50% дан ортиб, ўртача 11,9%ни ташкил қилади. СП билан оғриган 15-20% беморлар панкреатитнинг ўткирлашуви билан боғлиқ асоратлар, қолганлари ҳазмланиш жараёнининг иккиламчи бузилиши ва инфекция асоратлар туфайли ҳаётдан кўз юмадилар. Аутопсия маълумотлари бўйича СПнинг учраш тезлиги 0,01 дан 5,4% гача бўлиб, ўртача 0,3-0,4% ни ташкил қилади (Губергриц Н. Б., 2019). Ҳозирги вақтда СПни ташҳислаш учун турли тадқиқот усулларидан фойдаланилади, бироқ уларнинг аксарияти касалликнинг эрта босқичида СП ташҳисини қўйиш имконини бермайди. СПнинг ўткирлашувини ташҳислашдаги хатоликлар шифохонага ётқизишгача бўлган босқичда - 90% гача ва стационарда - 17%гача учраши мумкин.

Охирги ўн йиллик овқат ҳазм қилиш аъзолари, хусусан ошқозон ости беши касалликларида иммун ва цитокин ҳолатнинг бузилишларини ўрганишга бағишланган тадқиқотларнинг ўсиши билан характерланади. СПни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг кўплиги амалиёт врачлари олдида ҳар бир аниқ бемор учун уларнинг энг самарали

---

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

3 Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони

комбинациясини танлашдек мураккаб вазифани қўяди. Мазкур муаммо доирасида СПни даволаш самарадорлигини кўтариш мақсадида амалга ошириладиган комплекс иммунокоррекцияга асосланган ва ўз вақтидаги тактикадир. Юқорида қайд этилганларни ҳисобга олиб, даволаш ва башоратлаш имкониятларини кенгайтириш билан СПни эрта ташҳислаш усулларини янада чуқурроқ ўрганиш ва такомиллаштириш долзарб ва амалий жиҳатдан муҳим ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ташҳислаш, даволаш ва профилактиканинг замонавий усулларини ишлаб чиқиш» мавзуси доирасида бажарилган (Давлат қайд рақами: 01.1100158).

**Тадқиқотнинг мақсади** сурункали панкреатитнинг клиник иммунологик аспектларини ўрганиш, беморларни реабилитациясини оптималлаштиришда иммунокоррекцияга ёндашувни асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали панкреатит кузатилган беморларни ремиссия даврида реабилитациясини оптималлаштириш мақсадида касалликни муаммоли ҳолатини аниқлаш;

беморларнинг энг заиф гуруҳини аниқлаш ва касалликнинг салбий оқибатлари эҳтимоллигини башоратлаш предикторларини шакллантириш учун оғир турлари билан келган беморларнинг аналитик таҳлилни ўтказиш;

стандартлаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида беморлар ҳолатини ва клиник кўринишларини баҳолаш мезонлари ва тактикани ишлаб чиқиш, ҳамда беморларининг реабилитация давридаги яллиғланиш олди IL-2R, IL-6 цитокинлари, TGF-β1 фиброз маркерининг аҳамиятини кўрсатиш;

СП асоратланган ва асоратланмаган кечишида ўзгарувчан фиброз тўқимаси ўсиш омили-β1 (TGF-β1)нинг зардобдаги миқдорига баҳо бериш;

сурункали панкреатитда иммун тизимининг Т- ва В-лимфоцит ҳужайрали бўғинидаги номуносибликни, жумладан, Т- ва В-ҳужайрали иммунитетнинг натижаларини таққослаб ўрганиш;

реабилитация даврида беморларда мақбул иммуномодулятор терапияга ёндашув билан даволаш протоколларини ишлаб чиқиш;

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўткир ва сурункали панкреатит билан оғриган 25-65 ёш атрофидаги 162 нафари беморлар олинган бўлиб, шулардан 75 нафар аёл ва 87 нафар эркак кишини ташкил этади. Беморлар Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий марказида 2018-2020 йилларда ўткир панкреатит билан оғриган 113 нафар, Хоразм вилояти марказларида 2017-2019 йилларда сурункали панкреатит билан оғриган 49 нафар беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник, биокимёвий, иммун, цитокин ҳолатининг асосий кўрсаткичларини миқдорий аниқлаш учун меъда ости беши ферментларини миқдорий аниқлаш учун сурункали панкреатит

билан оғриган беморларнинг сийдиги, веноз қон,кон зардоби ва нажаси олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертацияда умумий клиник, иммунофермент усуллардан фойдаланилган, унинг характери ва тўлиқлиги тадқиқотда қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун илмий-таҳлилий маълумотлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор сурункали панкреатитнинг реабилитация даврида касалликнинг кучайиши хавф омилларини келтириб чиқарувчи иммунологик механизмлар дисфункцияси кўрсатилган;

панкреатитнинг реабилитация даврида яллиғланиш олди ва фиброз чақирувчи цитокинларнинг IL-2, IL-6, TGF-β1 зардобдаги миқдори ва ноинвазив трипсиноген-2 ва фекал эластаза-1 билан ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

реабилитация даврида панкреатитнинг оғирлик даражасини дифференциал диагностикасида цитокин профил кўрсаткичларининг яллиғланиш олди IL-2, IL-6 цитокинлари, TGF-β1 фиброз маркери панкреатитнинг клиник кечишини башорат қилиш мезони сифатида асосий биомаркерлар эканлиги исботланган;

сурункали панкреатит беморлари иммун тизимида Т- ва В- ҳужайрали иммунитетнинг пасайиши аниқланган;

сурункали панкреатитни даволаш ва реабилитация тадбирлари мажмуасида касалликни оғир шакллари даволашни мақбул иммуномодулятор терапияга ёндашув билан даволаш протоколлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

сурункали панкреатитли беморларга эрта ташхис қўйиш ва даволаш тактикасини танлаш, диагностик маркерларни аниқлаш билан чамбарчас боғлиқ, хусусан, сийдикда трипсиноген-2 ва нажасда эластаза-1 ни аниқлаш, реабилитация даврида касалликни қайтарилиши ва асоратланишини башорат қилиш таклиф этилган;

сурункали панкреатит билан оғриган беморларда иммуномодулятор терапия асосий даволаш билан биргаликда қўллаш таклиф этилган, бу иммун параметрларни яхшилашга, асоратларни камайтиришга, иммун жавобни модуляция қилишга ва иммунологик бардошликни шакллантиришга олиб келади, ҳамда ремиссия босқичида асосий даволаш самарадорлигини ошириши исботланган;

сурункали панкреатит билан оғриган беморларни реабилитация қилишни оптималлаштириш мақсадида иммуномодулятор терапия самарадорлигини аниқлаш учун иммунитет ҳолати кўрсаткичларидан фойдаланиш таклиф этилган;

панкреатит билан оғриган беморларнинг қонида IL-2, IL-6, TGF-β1 миқдорининг сезиларли ўсиши кузатилган, айниқса касалликнинг алкогольли ва билиар генези бўлган беморларда юқори кўрсаткичлари асосланган;



таклиф этилган IL-2, IL-6, TGF- $\beta$ 1 даражасини панкреатитнинг ўткир даврида ҳам, ремиссия босқичида ҳам аниқлаш меъда ости безида яллиғланиш жараёнининг ҳолатини баҳолаш имконини беради. Бу эрта ташхис қўйиш ва касалликнинг оғирлигини баҳолаш, шунингдек, реабилитация терапиясини оптималлаштириш ва панкреатитнинг кучайиши ва асоратларининг олдини олиш учун муҳим аҳамияти асосланган;

Олинган натижалар бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш босқичида ва республика клиникаларида панкреатит реабилитацияси самарадорлигини мониторинг қилиш ҳамда оптималлаштириш таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти панкреатитнинг реабилитация хусусиятларини оптималлаштиришга сезиларли ҳисса қўшади, шунингдек касаллик оғир турлари клиник кечишининг хусусиятлари ўрганилган ва таҳлил қилинган, реабилитацион даволаш тактикасига таъсир этувчи салбий оқибатлари эҳтимоллигини прогнозлашнинг асосий предикторлари ва сабаб-оқибат боғлиқликларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, мутахассисларнинг панкреатит билан беморларга тиббий хизмат кўрсатиш тизимини оптималлаштиришга янгича ёндашувлар аниқланган ва самарадорлиги баҳоланган, панкреатит беморларини эрта ташхислаш, беморлар орасида умумий касалланишни камайтириш, уларнинг яшовчанлик фаолиятини ошириши, халокатли натижалар хавфини камайтириши ва реабилитация даврида иммуномодулятор терапия ўтказиш асосланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндашувни тўғрилиги, статистик ишлов берилгани, рационал баҳолангани ва олинган натижалар халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, беморлар сонининг етарлилиги ва ўтказилган таҳлиллар натижаларининг аниқлиги, тадқиқотда клиник, биокимёвий, иммунологик усулларни қўлланилиши, ҳамда ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Панкреатит билан касалланган беморларга ишлаб чиқиш ва илмий асослашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Панкреатит билан касалланган беморларни олиб бориш бўйича олинган илмий натижалар асосида "Сурункали панкреатитли беморларни реабилитациясини даволаш профилактик алгоритми" номли услубий тавсияномаси тасдиқланган. (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021йил 5 апрелдаги 8н-р/279-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома соғлиқни сақлаш тизими фаолияти сифатини яхшилаш, панкреатитли беморларни реабилитация олиб бориш тактикасини оптималлаштириш ва махсус асоратлар сонини камайтириш имконини берган;

Панкреатит билан касалланган беморларга тиббий хизмат кўрсатиш фаолиятини оптималлаштиришни ишлаб чиқишга оид илмий тадқиқотлар натижалар бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига,

жумладан, Хоразм вилоят ногиронлиги бўлган шахсларни реабилитация қилиш ва протезлаш маркази, Хоразм вилояти шаҳар тиббиёт бирлашмаси амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 29 апрелдаги 8н-д/150-сон ва 2021 йил 6 октябрдаги №0809/13569 сонли маълумотномалар). Панкреатитли беморларда касаллик турларини эрта ташхислаш ва асоратлар ривожланишининг олдини олиш, шунингдек, панкреатитни реабилитация даврида даволаш баённомасини ишлаб чиқиш, беморни касалхонада бўладиган вақтини ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманларда муҳокома қилинган, шу жумладан 2та халқаро ва 2та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 10та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, 5боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 100 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Меъда ости беги иммунопатологияси бўйича замонавий тушунчалар**» деб номланган биринчи бобида сурункали панкреатит (СП) муаммосининг тиббий-ижтимоий аҳамияти акс эттирилган, СП ва уни эрта ташхисотини такомиллаштириш учун асосий эътиборга молик йўналишлар таҳлил қилинган, шунингдек СПда меъда ости безининг ҳолати, уни даволашда тизимли иммунотерапиянинг роли ҳақидаги адабиётлар таҳлили тақдим этилган, СПнинг эпидемиологик, клиник белгилари ва Ўзбекистон аҳолиси ўртасида СПни клиник кечишини ўзига хос хусусиятлари келтирилган.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатитли беморлар тавсифи ва тадқиқотда қўлланилган усуллар**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектининг тавсифи, қўйилган вазифаларнинг ҳал этилишини

таъминловчи усуллар ва методологик ёндошувлар тақдим этилган. Илмий тадқиқот йўлари 2017-2020 йилларда ўтказилган. Клиник материални тўплаш Хоразм кўп тармоқли тиббиёт маркази базасида (2017-2019йй.). Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази клиникаси базасининг реанимация ва терапия бўлимида (2018-2020 йй.) амалга оширилган.

Тадқиқот объекти – 162 нафар СП билан оғриган беморлар маълумотлари бўлди, шу жумладан, 49 нафар беморлар Хоразм кўп тармоқли тиббиёт марказида, 113 нафар беморлар РШТЎИМ клиникасида стационар даволанишда динамик кузатувда бўлган.

Клиник текширув усуллари анамнез, умумклиник, эрта ташхислашнинг ноинвазив тестларини қўллаш билан биокимёвий - сийдикда трипсиноген-2 (Actim Pancreatitis, «Medix Biochemica» Финляндия) ва нажасда эластаза-1 (BIOSERV Diagnostics BS-86-01 Elastase ELISA)ни аниқлашга асосланган.

Иммун тизимининг ҳолати CD-дифференциация ва активация антигенларини ифодалаш орқали баҳоланди. Имунокомпетент хужайраларининг маркерларини аниқлаш 0 (I) Ph гуруҳидаги иммунореагент – одам эритроцитларини 3% ли хлор хромамоноклонал антителолар эритмаси орқали юкланган (Сорбент МЧЖ, Москва, Россия томонидан ишлаб чиқарилган) спецификаси ёрдамида CD3 - Т-лимфосит рецепторлари учун, CD4 - Т-ёрдамчи/индукторлар учун, CD8 - Т-супрессорлар/цитотоксик лимфоцитлар учун, CD19-В-лимфоцитлар учун, CD16 - табиий киллерлар учун билвосита розеткасимон шаклда ҳосил қилиш орқали амалга оширилди. Имунологик текширув моноклонал антигенчалардан фойдаланган ҳолда иммунофенотиплаш йўли билан периферик қондаги лимфоситларнинг membrane антигенлари (CD3, CD4, CD8, CD16, CD95, CDHLA-DR) ни аниқласни ўз ичига олди. А, М, G синфига оид зардоб иммуноглобулинлари одам иммуноглобулинларига қарши моноспесифик зардоблар ёрдамида Г. Манчини (1965) бўйича radial иммунодиффузия усулида амалга оширилди (НИИВС И. И. Мечников номидаги).

Цитокинлар - IL-2R, IL-6, TGF-β1 концентрацияси иммунофермент таҳлили усулида амалга оширилди (Алоҳида Тоза Биопрепаратлар ИТИ «Цитокин» ООО реактивлари), DRG-Diagnostica (Germany).

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар статистик ишлов функциялари киритилган «Excel-2007» дастурий пакети ёрдамида Pentium-IV шахсий компьютерида статистик ишланди. Таҳлил қилинаётган кўрсаткичлар орасидаги ўзаро алоқаларни аниқлаш учун r корреляция коэффицентини қўллаш ҳамда Стьюдент t ва Пирсон χ<sup>2</sup> мезонлари ёрдамида уларнинг аҳамиятини ўрганиш билан корреляцион таҳлил ўтказилди.

Диссертациянинг « **Сурункали панкреатит кечишининг клиник ва биокимёвий хусусиятлари** » деб номланган учинчи бобда кейинги вақтда сурункали панкреатит ривожланишининг анча эрта даврларида мазкур касалликни аниқлаш имконини берувчи юқори аниқлик хусусиятларига эга бўлган ошқозон ости безини янги визуаллаш усуллари пайдо бўлиши ҳисобига ҳам касалланиш кўрсаткичлари доимо ўсиб бормоқда. Бироқ, минтақада эпидемиологик аҳволнинг ўзига хос хусусиятларини назарда

тутган ҳолда панкреатитлар келиб чиқиши аҳамиятининг ўсиб бориш хавфи сақланиб қолмоқда. Шунинг учун, биз томондан СПнинг энг аҳамиятли хавф омилларини аниқлаш ва клиник кечиши ўрганиш бўйича тадқиқот уюштирилган.

СП анамнези маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, унда СПли беморларда оғриқ синдроми асосан эпигастрий ва қориннинг чап юқори квадрантида жойлашган бўлиб, айрим диспептик симптомлар билан кечувчи эпигастрий соҳасидаги оғриқ симптомлари устунлик қилди. Оғриқ синдроми ва диспептик бузилишлар алкоғолли СП (АСП) билиар СП (БСП)ли беморлар гуруҳларида кучлироқ ривожланди, бунда яққол клиник симптоматика АСПда кузатилди. Касаллик давомийлиги анамнезда қоринда оғриқ пайдо бўлган вақтдан баҳоланди. 80% БСП ва 57% АСП билан оғриган беморларда касалликни кечиши рецидивланувчи оғриқ синдроми билан тавсифланди. Текширувлар натижасида шу нарса аниқландики, БСП билан оғриган беморларга нисбатан  $13,47 \pm 1,4$  йил, АСПда касалликнинг энг қисқа анамнези -  $6,31 \pm 0,81$  йил қайд этилди, нисбатан эрта ёшда касаллик манифестацияси  $37,2 \pm 1,80$  ёш, касалликнинг йилига  $3,5 \pm 0,24$  марта тез-тез ўткирлашуви ва кўп вазн йўқотиш ( $10,0 \pm 1,62$  кг) кузатилди, БСПда касаллик манифестацияси мос равишда  $43,20 \pm 1,80$  йилга тенг.

Текширилганларнинг 87 (51,8%) нафарида касалликнинг – II клиник босқичи, 43 (33,5%) – III клиник босқич ва 32 (14,7%) - IV клиник босқич аниқланди. Касалликнинг III ва IVклиник босқичлари 82% ҳолатда АСП билан оғриган беморларда, 60% - БСП ва 30% - касалликнинг идиопатик шаклида қайд этилди.


Клиник симптомлар орасида диарея, метеоризм ва кўнгил айнаши кабилар кўпчиликини ташкил қилди. Клиник симптомларни қиёсий баҳолашда АСП билан оғриган беморларда 49 (80%) ҳолатда метеоризм устунлик қилди. Диарея асосан БСП беморларни безовта қилди - 31 (64%). Тана вазнининг йўқолиши ҳар иккала гуруҳ беморларида ҳам қайд этилди - 48 (80%). Лаборатория текширувларидан олинган маълумотлар бўйича лейкоцитоз 14 (15,1%) нафар беморда, ЭЧТнинг ошиши 20 (22,0%) нафар беморда аниқланди. БСП билан оғриган беморларга нисбатан АСП билан оғриган беморларда юқори лейкоцитоз, қондаги АЛТ, АСТ, ГГТ, ИФ ва липаза ҳамда сийдикда амилаза миқдори юқори бўлиб, бу яллиғланиш жараёнининг юқори фаоллиги ва холестатик синдромнинг кучлилигидан далолат беради.

Қондаги липаза 82,2%, сийдикдаги амилаза – 42,1%, ГГТ – 57,7% ва ИФ – 27,8% ҳолатларда юқори бўлди. БСП билан оғриган беморларда амилаза ва қон зардобида умумий билирубин миқдорининг юқорилиги аниқланди. БСП ли беморларда қондаги липаза ва ишқорий фосфатаза миқдори ИСПли беморларга нисбатан ишончли юқори бўлди. АСП билан оғриган беморлар қон зардобида БСПли беморларга нисбатан альбумин кўрсаткичлари ишонарли паст бўлди.

АСПли беморларда нажасдаги эластаза-1 миқдорининг ўртача кўрсаткичлари -  $50,7 \pm 45,98$  мкгЭ/г, БСП -  $130 \pm 25,3$  мкгЭ/г, ИСП -  $166,2 \pm 18,6$  мкгЭ/г ни ташкил қилди. Фикримизча, МОБнинг ташқи секретор фаолияти

етишмовчилигининг бундай паст даражаси СПнинг клиник кечишини нохуш башорат белгиси ҳисобланади. Нажасда эластаза-1 миқдорининг 200 мкгЭ/г дан камайиши ташқи секретор етишмовчилик мезони ҳисобланади (расм 1).

Ташқи секретор фаолият етишмовчилигининг оғирлик даражаси нажасдаги эластаза миқдори билан аниқланади: оғир даражали эластаза концентрациясининг етишмовчилиги 100 мкгЭ/г паст, ўрта оғирлик даражаси - 100-200 мкгЭ/г, меъерий функцияси -200 мкгЭ/г дан юқори кўрсаткич бўлиши керак (1-расмда).



**1-расм. Сурункали панкреатитли беморлар нажасидаги эластаза кўрсаткичлари (мкгЭ/г)**

Меъда ости безининг ташқи секретор фаолиятини пасайишисиз кечадиган АСП симптоматикаси ИСПдаги мазкур ҳолат билан ўхшаш, бироқ у оғриқ синдромининг кучлироқ ривожланганлиги билан фарқ қилади. Тахмин қилиш мумкинки, АСП ва ИСП моҳияти жиҳатдан безининг ташқи секретор функциясини сақланганлиги ёки пасайиши билан битта касалликнинг турли босқичлари ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, БСП билиар дисфункциялар билан тавсифланиб, бу унинг иккиламчи характерга эга эканлигини тасдиқлайди.

Ўзбекистонда сурункали панкреатитни ўткирлашув даврида эрта ташҳислаш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Касалликнинг ривожланувчи характери ҳам поликлиника, ҳам стационар шароитида панкреатитни муваффақиятли эрта ташҳислаш учун врач томонидан скрининг тестлар ўтказиш заруратини асослайди ва бу касалликнинг оғир клиник шаклларида 45-70%га етиши мумкин бўлган ўлим даражасини пасайишини таъминлайди.

Клиник амалиётда фақатгина қондаги амилаза ва липаза фаоллигини аниқланишини ҳисобга олиб, сурункали панкреатитда биз юқори ўзига хослик ва сезгирликка эга сийдикдаги трипсиноген-2ни аниқлаш бўйича

альтернатив-скрининг тестини таклиф этдик. Трипсиноген ошқозон ости безининг ацинар ҳужайраларида синтезланади ва трипсиннинг проферменти ҳисобланади. Меъда ости безидаги яллиғланиш жараёнларининг илк босқичида трипсиноген-2 кўп миқдорда сийдикка ажаралади ва унинг миқдори 10-14 сутка давомида юқориликка қолади (жадвал 1).

1-жадвал.

**Сурункали панкреатитни ўткир босқичида беморларда трипсиноген-2 тестининг натижали қиймати**

Кўрсаткичлар	СП билан беморлар (n=42)	
	абс.	%
Панкреатитнинг клиник кўриниши	23	100
Спиртли ичимликлар истеъмол қилиш	19	82,6
Ўт-тош касалликлари	3	13
Гиперамилаземия	41	97,6
Гликирланган гемоглобин (>10 %)	0	0
Кетон таначалари (сийдикда ацетон)	2	8,7
УЗИ да ошқозон ости безининг гипоэхогенлиги	15	65,2
УЗИ да қорин бўшлиғининг салник халтачасида суюқли бўлиши	6	26,1
Сийдикда трипсиноген-2	41	97,6

СПни эрта ташҳислаш қатор қийинчиликлар билан бирга кечади. Биз СП билан оғриган беморларда Actim Pancreatitis тести ёрдамида сийдикдаги трипсиноген фаоллигини аниқловчи таҳлил ўтказдик. Клиник, лаборатор ва инструментал жиҳатдан ўткирлашув давридаги сурункали панкреатит ташҳиси тасдиқланган 42 бемордан 41 (97,6%) нафарида тест натижалари ижобий бўлди. Шундай қилиб, усулнинг сезгирлиги 97,6%ни ташкил қилди.

Ультратовуш текшируви (УТТ)да АСП ва БСП билан оғриган 65%, меъда ости беги ўлчамларининг катталашуви аниқланди. АСП билан 62% ва БСП билан 38% беморда без паренхимаси эхогенлигининг юқорилиги қайд этилди, мос равишда 60%, 25% ва 15% беморларда гиперэхоген киритмалар аниқланди.

Диссертациянинг «Сурункали панкреатитли беморларда цитокинлар профилида ўзгаришлар ҳолати» деб номланган тўртинчи бобида Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази шошилинич хирургия, реанимация ва терапия бўлимларида СП билан оғриган беморлар цитокин профилини текшириш натижалари келтирилган.

Ўзбекистондаги касалликнинг рецидивланувчи кечими билан АСПли беморларда зардоб цитокинлари миқдорининг максимал ошиши қайд этилди.


Касалликнинг эрта босқичлари ва ўткирлашув чўққисида асосий яллиғланишолди цитокинлари IL-2R, IL-6 ва TGF-β1 концентрациясининг ошиши устунлик қилди. Аниқланишича, АСПда IL-2R миқдори меъёр кўрсаткичларига нисбатан мос равишда даволашгача – 26,8 марта, даволашдан сўнг 2,6 марта ошган ( $P < 0,001$ ).

Биз IL-6 кўрсаткичларида ҳам ўзгаришлар мавжудлигини кузатдик, мазкур кўрсаткич қиймати мос равишда АСПда 7,1 ва 2,5 марта, БСП да эса 3,01 ва 1,2 марта кўтарилди. Ҳам АСП, ҳам БСПда даволашгача ва даволашдан сўнг IL-6 миқдорида сезиларли фарқ мавжуд. АСПни даволаш сўнггида ва БСП бошида IL-6 кўрсаткичлари орасида сезиларли фарқ мавжуд эмас. БСПни даволаш охирида IL-6 даражаси назорат кўрсаткичларидан сезиларли фарқ қилмади.

СПнинг рецидив даврида цитокинлардаги ўзгаришларнинг турли динамикаси кузатилди. Даволашдан олдин IL-2R миқдори бир-биридан сезиларли фарқ қилмайди. Фақатгина даволаш охирига келиб, IL-2R концентрациясининг пасайиши кузатилди. Бутун даволаш даврида мазкур цитокин миқдори назорат қийматларидан сезиларли юқори бўлди.

IL-6 ўзгаришлари динамикаси цитокинларнинг бошқа қийматларидан катта фарқ қилди. Юқорида қайд этилган цитокинларга нисбатан IL-6 миқдори даволашдан сўнггина пасайиш тенденциясига эга бўлди ( $P > 0,05$ ).

БСПда патологик жараён динамикасида зардоб цитокинлари концентрациясидаги ўзгаришлар АСП билан бир йўналишда кечди, бироқ камроқ ривожланди. Масалан, БСП ўткирлашувининг илк босқичларида IL-2R –  $1622,75 \pm 102,7$  пг/мл, IL-6 –  $138,56 \pm 22,4$  пг/мл, TGF-β1 –  $795,4 \pm 88,4$  пг/мл ни ташкил этди (расм 2).



2-расм. СП беморлар кон зардобда цитокинлар миқдори (пг/мл).

Даволаш натижасида БСП билан оғриган беморларнинг аксариятида клиник фаоллик кўрсаткичларида кучли ижобий динамика, цитокин статусининг меъёрлашувига эришилди.

Асоратсиз ва асоратли кечувчи АСП билан оғриган беморлар орасида цитокинлар миқдори бўйича сезиларли фарқлар анқланди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Асоратсиз ва асоратли (МОБ кисталари) кечувчи АСП билан оғриган беморларда касаллик ўткирлашуви давридаги цитокинлар миқдори (пг/мл)

Цитокинлар	Асоратли СП (МОБ кисталари), n=27	Асоратсиз СП, n=45	Назорат, n=20
IL-2R	1321,3±182,7***	641,2±86,8***^^	37,1±5,3
IL-6	179,5±28,3***	86,1±15,4***^	28,0±1,1
TGF-β1	795,4±87,6**	634,6±87,2**^	40,2±4,6

Изоҳ: \* - фарқлар назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (\*\*\* - <0,001), ^ - фарқлар асоратли СП гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан аҳамиятли (^ - <0,05, ^^ - P<0,01, ^^ - P<0,001)

Текширувларимизнинг кўрсатишича, назорат гуруҳига нисбатан асоратли АСПда IL-2R миқдори 31,2 марта, асоратсиз шаклида эса - 17 марта, мос равишда IL-6 эса - 7,1 ва 3,2 марта. Олинган маълумотлардан яна шу нарса аён бўлдики, СПнинг асоратли кечишида цитокинлар миқдори асоратсиз кечишига нисбатан 1,6-2,1 марта кўтарилди.

Биз ўткир панкреатит патогенезида яллиғланишга қарши цитокинларнинг ролини баҳолаш учун битта марказли, рандомизацияланган, истиқболли тадқиқот ўтказдик. Ўткир панкреатитнинг натижасини башорат қилишда зардобдаги IL-2R ва IL-6 даражаларининг аҳамияти баҳоланди.

Биз Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЁИМ) клиникасига 2019 йил январ ойидан 2019 йил июнь ойигача клиникага ётқизилган 28 беморнинг 17 тасини асосий гуруҳ сифатида танладик. Ўткир ости панкреатитли 11 бемор назорат гуруҳи сифатида танланган. Қон зардобда IL-2R, IL-6 концентрацияси қабул қилинганидан кейин 1, 3, 5-кунларда аниқланди. Интерлейкин даражалари билан бир вақтда АРАСНЕ II диагностик шкаласи ишлатилган, унда 1, 2 ва 3 кунлар қайд этилган (жадвал 3).



**Интерлейкин даражасини АРАСНЕ II диагностика воситаси билан солиштириш n=28.**

	Сезувчанлик		Специфик лиги	Ижобий прогнозли қиймат	Салбий прогнозли қиймат	Аниқлик
		(%)	(%)	(%)	(%)	(%)
IL-2R	1 кун	72	87	76	85	82
	3 кун	56	78	63	80	74
IL-6	1 кун	89	87	80	93	88
	3 кун	50	97	90	78	80
АРАСНЕ II	1 кун	72	72	59	82	72
	3 кун	56	91	77	78	78

Ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра 1-3-кунларда IL-2R, IL-6 нинг концентрацияси оғир панкреатитли беморларда энгил панкреатитли беморларга қараганда анча юқори эди. Энг юқори кўрсаткич беморларда энгил даражали хуруж пайтида беморларга нисбатан 1-3-кунларда зардобдаги IL-2R концентрацияси сезиларли даражада ошган. IL-2R ва IL-6 нинг ўртача тепалик қийматига биринчи кун эришилди, 4,1 ва 4,6 марта назорат гуруҳ кўрсаткичларига мос равишда ошди.


Яллиғланишолди цитокинлар орасида IL-6 ўткир панкреатитнинг эрта прогнози учун энг сезгир маркери бўлиб чиқди.

Панкреатитнинг ўткир кечишидаги сингари СПда ҳам касалликнинг оғирлик даражаси ва яллиғланишолди цитокинлари даражаси ва уларнинг рецидивларни ривожланишидаги иштироки орасида корреляция аниқланди. Ацинар ҳужайраларнинг рецидивланувчи жароҳати фаоллашган Т-лимфоцитлар, макрофаглар томонидан инфилтрацияни кучайтирувчи хусусан TGF- $\beta$ 1нинг синтезланиши билан боғлиқ.


Патологияда панкреатоцитларнинг некроз ва апоптоз йўлларида амалга оширилади. Бизнинг текширувларимизда аниқланган IL-2R, IL-6 ва цитолитик ферментлар миқдори ўртасидаги боғлиқлик ошқозон ости безининг жароҳатланишида ҳар иккала механизмнинг таъсири борлигини кўрсатади. IL-2, IL-6 нинг иштирокида панкреатоцитларга тўғридан-тўғри цитотоксик таъсир кўрсатиш хусусиятига эга.

Шундай қилиб, биз СП билан оғриган беморларда цитокинлар тизими фаоллашади деб ҳисоблаймиз. Унинг дисфункцияси IL-2R, IL-6 яллиғланишолди цитокинларини ишлаб чиқарилишини ошиши билан бирга кечади ва уларнинг қон зардобдаги миқдори мазкур беморларда қайд этиладиган асосий клиник-лаборатория кўрсаткичлари билан ишончли алоқага эга бўлади. Олинган натижалар цитокин тизими СП патогенезига жалб этилганлигидан далолат беради.

Иммунитетнинг ҳужайрали бўғинидаги номутаносиблик Т-ёрдамчилари индукторлари сонининг камайиши ва Т-цитотоксик лимфоцитларнинг кўпайиши туфайли иммунитетни тартибга солувчи индексни камайишида намоён бўлди. СПда қонда иммун комплекслари ҳам кўпайган. Бинобарин, СП шаклланиши ва кечишида иммунологик омилларнинг роли беморларнинг иммунореактивлик ҳолатидаги ҳар хил ўзгаришлар билан исботланади. Шубҳасиз, СПда Т-ҳужайрали жавоб сезиларли даражада заифлашади, бу Т-лимфоцитларнинг клонал камайишини кўрсатади (расм 3а,б).



3а-расм. Сурункали панкреатитда иммун тизими курсаткичлари




3 б. расм. Алкоголли ва билиар сурункали панкреатитда иммунологик курсаткичлари киёсий профили

Қуйидаги хусусиятлар сезиларли даражада камаяди: 1) CD3 -Т лимфоцитлари - 1,23 марта; 2) CD4 - ёрдамчилар - 1,37 марта; 3) CD 16 - табиий қотиллар - 1,28 марта; 4) CD 95 - 1,19 марта. Қуйидаги кўрсаткичларда сезиларли ўсиш қайд этилди: 1) лимфоцитларнинг умумий сони - 1,15 марта; 2) CD8-цитотоксик ҳужайралар - 1,29 марта; 3) CD 22 - В лимфоцитлари - 1,20 марта; 4) HLA-DR + - 1,18 марта.

Шундай қилиб, олинган иммунологик кўрсаткичларни таққослаганда, СП билан оғриган беморлар иммунитет тизимида ўзгаришларни қайд қилинди. Бу иммуномодуляторларни СП реабилитация қилишни оптимизациясини оптималлаштириш учун беморларни комплекс даволашга киритишни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Сурункали панкреатитли беморларда реабилитация даврида иммуномодулятортерапия билан даволанишга ёндашувлар**» деб номланган бешинчи бобида сурункали панкреатит билан оғриган беморларда иммун тизими фаолияти ва цитокин ҳолатнинг бузилиши билан боғлиқ иммун етишмовчилиги, даволаш жараёнида иммунмодулирловчи дори воситаларини қўллаш зарурати баён этилган. Оғриқ ва диспептик синдромларнинг йўқолиши ёки камайиши, тана вазнининг ошиши, шунингдек носпецифик, гуморал ва ҳужайравий иммунитет кўрсаткичларининг меъёрлашуви ўтказилган терапия самарадорлигининг мезонларини ташкил қилди.

Анъанавий даволанган беморлар гуруҳида Т-лимфоцитлар сони ( $P < 0,01$ ), комплементар фаоллик ( $P < 0,05$ )нинг ишончли ошиши; лимфоцитлар нисбий сони ( $P < 0,001$ ), IgA ( $P < 0,05$ ), шунингдек IL-2, IL-6, яллиғланиш олди цитокинлари миқдори ( $p < 0,001$ )нинг камайиши аниқланди. (4 расм).




**4-расм. СП беморларда Эрбисол препарати билан иммунокоррекциядан кейинги цитокинлар профили**

Яллиғланиш олди цитокинлари миқдори сезиларли камайди ва меъёрга

яқинлашди: IL –2 ( $804,4 \pm 32,49$  дан  $462,97 \pm 33,94$  пг/мл гача,  $P < 0,001$ ); IL – 6 ( $294,6 \pm 16,84$  дан  $201,2 \pm 10,64$  пг/мл гача,  $P < 0,001$ ); TGF- $\beta$ 1 (с  $812,3 \pm 98,5$  до  $305,28 \pm 8,54$  пг/мл,  $P < 0,001$ ).

Маълумотларимиз бўйича анъанавий даволаш (биринчи гуруҳ)га нисбатан комплекс даволаш (биринчи гуруҳ)да қуйидаги кўрсаткичлар ишонарли паст бўлди: IL-2 (биринчи гуруҳга қарши  $804,4 \pm 22,77$  пг/мл иккинчи гуруҳда  $462,97 \pm 33,94$  пг/мл,  $P < 0,001$ ).

Шубҳасиз, СП беморларда Т-хужайрали жавоб сезиларли даражада заифлашади, бу Т-лимфоцитларнинг клонал камайишини кўрсатади. Қуйидаги хусусиятлар анча камаяди: 1) CD3-Т лимфоцитлар - 1.23 марта; 2) CD 4 - ёрдамчилар - 1.37 марта; 3) CD 16-табиий қотиллар - 1.28 марта; 4) CD 95 - 1.19 марта. А муҳим ўсиш қуйидаги кўрсаткичлар қайд этилди: 1) лимфоцитлар умумий сони - 1,15 марта; 2) CD 8-цитотоксик ҳужайралар - 1,29 марта; 3) CD 22-В лимфоцитлар - 1,20 марта; 4) HLADR+ - 1,18 марта;



### 5-расм. СП беморларда ЭРБИСОЛ препарати таъсирида лимфоцитлар субпопуляциясини ўзгариши

Ўтказилган тадқиқотлар Эрбисол дори воситаси кучли иммунмодулирловчи таъсирга эга ва у иммун тизимининг махсус Т-хелпер, Т-супрессор, Т-киллер ва носпецифик N-киллерлар бўғинига таъсир кўрсатади деган хулосага келиш имконини беради. Бунда унинг таъсири асосан иммун ҳолати кўрсаткичларини меъёрлаштиришга қаратилган (расм 5).

Биринчи гуруҳ (анъанавий даволаш) беморларини даволаш жараёнида қориндаги оғриқлар ва диспепсия симптомлари даволашнинг 7-кунда бартараф этилди. Иккинчи гуруҳ (комплекс даволаш) беморларида оғриқ ва диспепсия синдромлари 5-кунда йўқолди. Тана вазнининг ошиши биринчи гуруҳда - 15 (30%), иккинчи гуруҳда - 12 (34,3%) ҳолатда кузатилди. Биринчи гуруҳда аъло натижа (оғриқ ва диспептик синдромларнинг тўлиқ бартараф этилиши) - 26 (52%), яхши (оғриқни қориннинг юқори қисмида пальпация вақтида сақланиши) - 11 (22%) ва ижобий (оғриқларни вақти-вақти билан пайдо бўлиши, диспептик синдром тўлиқ бартараф этилмаганлиги) - 13 (26%) кишида қайд этилди. Иккинчи гуруҳда натижалар қуйидагича тақсимланди: аъло - 21 (60%), яхши - 11 (31,4%) ва ижобий - 3 (8,6%).

Қайд этиш лозимки, СП билан оғриган беморларни узоқ муддатли даволашда Эрбисол дори воситасини қўллаш ҳужайравий иммунитетнинг аксарият холларда интерферонотерапияда кузатиладиган заифлашувига олиб келмади. Шундай қилиб, СП билан оғриган беморларда реабилитация босқичида цитокин профили субпопуляцион таркибини таҳлил қилиш узоқ муддатли даволаш динамикасида Эрбисол дори воситасининг ижобий таъсирини белгилаш имконини берди.

## ХУЛОСА

1. Сийдикда трипсиноген-2 аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу касалликнинг илк босқичларида СПни хуружини эрта башоратлаш имконини беради. Таклиф этилаётган сийдикда трипсиноген-2ни аниқлаш имконини берувчи экспресс тести қисқа муддатда аниқ натижа беради, ноинвазив ва қўшимча лаборатор жиҳозларни талаб қилмайди.

2. Беморлар нажасида эластаза-1миқдори аниқлаш ошқозон ости безининг ташқи секретор фаолияти ҳақида тўлиқ маълумот бериб, СПни реабилитация даврида прогностик маркери сифатида даволаш тактикасини тўғри белгилашга имкон беради.

3. СП билан оғриган беморларда яллиғланиш олди IL-2R, IL-6 цитокинлар ишлаб чиқарилиши сезиларли ошганлиги меъда ости безида яллиғланиш давомийлигини узайтириши кузатилди, бу жараён касалликни реабилитацион даврда беморларни тўлиқ тикланишига тўсқинлик қилишини динамикада назоратга олиш зарур.

4. TGF- $\beta$ 1 фиброз ривожлантирувчи цитокинларнинг зардобдаги кўрсаткичлари меъда ости беги ацинусларининг СПнинг асоратсиз кечишига нисбатан асоратли кечишида сезиларли ошди.

5. СП беморларни иммун тизимида Т- ва В- бўғимида номутаносиблик кузатилди, айниқса Т-ҳужайравий бўғимининг заиф бўлиши аниқланди. Панкреатитнинг авж олиши ҳужайравий иммунтанқисликнинг чуқурлашуви билан кузатилди ва CD3- лимфоцитлар, CD4 - хелперларни камайиши, шунингдек, CD8 - цитотоксик лимфоцитларни, CD16 - табиий киллерларни фаоллашуви ноҳуш белги хисобланади.

6. СПда юзага келадиган иммун ўзгаришларни меъёрлаштириш орқали меъда ости безидаги яллиғланиш жараёнининг фаоллигини пасайишини таъминловчи иммунмодуляцияловчи таъсирга эга – Эрбисол дори воситаларини қўллашнинг мақсадга мувофиқлиги асосланди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПРИ НАУЧНОМ СОВЕТЕ ПО  
PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ  
СТЕПЕНЕЙ ПРИ УРГЕНЧСКОМ ФИЛИАЛЕ  
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

---

**ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**МАШАРИПОВА ЮЛДУЗ КАДАМБАЕВНА**

**ОПТИМИЗАЦИЯ РЕАБИЛИТАЦИИ БОЛЬНЫХ ХРОНИЧЕСКИМ  
ПАНКРЕАТИТОМ И ПОДХОДЫ К ИММУНОКОРРЕКЦИИ**

**14.00.05- Внутренние болезни  
14.00.36 - Аллергология и иммунология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**УРГЕНЧ – 2021**





Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистана В2021.2.PhD/Tib711.

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии  
Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.urgfilitma.uz](http://www.urgfilitma.uz)) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научные руководители:** Абдуллаев Равшанбек Бабажонович,  
доктор медицинских наук, профессор  
Шамсутдинова Максуда Илясовна,  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Камалов Зайнитдин Сайфутдинович,  
доктор медицинских наук, профессор  
Жабборов Озим Отаханович,  
доктор медицинских наук, доцент

**Ведущая организация:** Самаркандский государственный  
медицинский институт

Защита диссертации состоится «27 сентябрь» 2021 года в 14.00 часов на заседании Разовый научный совет при научном совете по PhD.04/30.09.2020.Tib.123.01 по присуждению ученых степеней при Ургенческом филиале Ташкентской медицинской академии (Адрес: 220100, Хорезмская область, г. Ургенч, улица Аль-Хоразмий, дом 28, Тел/факс +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz))

С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенческого филиала Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № 5) (Адрес: 220100, Хорезмская область, г. Ургенч, улица Аль-Хоразмий, дом 28, Тел/факс +(99862) 224 84 84, E-mail: [ttaurgfil@umail.uz](mailto:ttaurgfil@umail.uz))

Автореферат диссертации разослан «16 XII» 2021 года.  
(реестр протокола рассылки № 5 от «16 XII» 2021 года.)



**Рузибаев Рашид Юсупович,**  
Председатель Разового научного совета по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук

**Джуманиязова Зулхумор Фархадовна,**  
Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению учёных степеней, кандидат медицинских наук, доцент

**Курызов Бахтиер Нуниязович,**  
Председатель Разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, доцент

**ВВЕДЕНИЕ (аннотация к докторской (Phd) диссертации по философии)**

**Актуальность и востребованность диссертации.** В мире растет количество заболеваний желудочно-кишечного тракта, причем каждые десять лет их число удваивается. По данным ВОЗ, хронический панкреатит (ХП) - самая частая и тяжелая патология среди заболеваний желудочно-кишечного тракта. Средний возраст пациентов с ХП снизился с 50 до 38 лет. 11% людей с инвалидностью с хронической формой панкреатита. Во всем мире наблюдается неуклонный рост числа заболеваний поджелудочной железы.<sup>4</sup>Смертность после первоначального диагноза ХП увеличилась до 20% в первые 10 лет и более 50% через 20 лет, составляя в среднем 11,9%. Осложнения, связанные с обострением панкреатита, встречаются у 15-20% пациентов с ХП, летальный исход связан с вторичными нарушениями процесса пищеварения и инфекционными осложнениями. Последнее десятилетие ознаменовалось увеличением исследований, посвященных изучению нарушений иммунного и цитокинового статуса при заболеваниях органов пищеварения, особенно поджелудочной железы. Однако на сегодняшний день исследований иммуногенетических механизмов цитокиновых взаимодействий при развитии воспалительных изменений, детальных взаимодействий между уровнями разных групп интерлейкинов при оценке клинического, цитокинового и иммуногенетического статуса пациентов недостаточно.

В современном понимании патогенеза панкреатита важно открытие генов, которые непосредственно приводят к развитию заболевания или представляют риск его развития. Экспрессия различных важных медиаторов воспаления и дисфункции генов цитокинового каскада, обеспечивающих деструктивно-воспалительные изменения поджелудочной железы, играет важную роль в патогенезе панкреатита. Многообразие препаратов, используемых при лечении ХП, ставит перед практикующими врачами сложную задачу, например, подобрать наиболее эффективную их комбинацию для каждого конкретного пациента.

На сегодняшний день достигнуты определенные результаты в области здравоохранения, профилактики патологии желудочно-кишечного тракта, в частности, роста заболеваемости острым и хроническим панкреатитом. В результате принятых мер частота заболеваний поджелудочной железы снизилась на 5%, а смертность - в 1,3 раза. Значительный прогресс достигнут в оказании населению качественной медицинской помощи. Определенные результаты достигнуты в области здравоохранения, профилактики патологий желудочно-кишечного тракта, особенно острого и хронического панкреатита.

Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы включает следующие задачи «...реализацию комплексных мер по улучшению и укреплению здоровья населения, снижению заболеваемости, профилактике заболеваний, связанных с питанием и улучшением качества жизни». Данное диссертационное исследование в определенной степени способствует реализации задач,

---

<sup>4</sup> WHO estimates of the global burden of foodborne diseases: foodborne disease burden epidemiology reference group 2007-2015. [https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/199350/9789241565165\\_eng.pdf](https://apps.who.int/iris/bitstream/handle/10665/199350/9789241565165_eng.pdf)

